

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛЛАРИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШДА ИЛМ-ФАН ВА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР»**

**«НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ  
ПРОДУКТОВ ПИТАНИЯ»**

**МАТЕРИАЛЫ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
(2022 йил 21-22 октябрь)**



**БУХОРО - 2022**

## **ИКИЛАМЧИ МОЙЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЮҚОРИ СИФАТЛИ АЛЬТЕРНАТИВ БИТУМ МАСТИКАЛАРИНИ ОЛИШ**

**\*Фозилов С.Ф., \*\*Раббимов Ж. Ш., \*\*\*Мустафоев Х.М.**

**\*Бухоро мұхандислик технология институти**

**\*\*Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти , үқитувчи**

**\*\*\*Бухоро Давлат университети E-mail: rabbimov.jahongir1933@gmail.com**

Ёқилғи мустақиллігіга әришган давлатимизда соҳа мутахассисларининг галдаги асосий вазифаси ишлаб чиқарылаётган маҳсулотларнинг сифатини жағон стандартлари талабларынға қадар яхшилашдан иборатдир.

Бугунги кунда жағонда ҳар йилига 50 млн. тоннадан ортиқ техник мойлаш материаллари ишлаб чиқарылып, фойдаланиб бўлинган мойни турли технологиялар ва усуллар ёрдамида қайта тозалаб, яроқли ҳолатга келтиришга эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан ишлатилган техник мойлар ресурсини оширадиган технология ва ускуналарини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. “Йилига ўртача 15 млн. тонна ишлатилган техник мойларни қайта ишлашни самарали ташкил этиш ва улардан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларида фойдаланишда мойларни тозалаш усули жағон амалиётида кенг тарқалган”. Ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги техника воситаларида фойдаланиш учун ишлатилган мойларни қайта тозалаб, сифатли мойларни олишни таъминлаб берадиган энергияресурсстежамкор курилмаларни ишлаб чиқиш мұхим вазифалардан бири ҳисобланади

Мойловчи материалларнинг умумий баҳоси унинг сифатини тавсифловчи, яъни солиширма оғирлиги, Қовушоқлиги, мойлилиги,

коксланиши, кул таркиби ва бошқа кўрсаткичлардан иборат бўлиб, уларни билиш нафакат оператор – регенераторчилар, балки машина ва механизмларни эксплуатация қилишда мойлардан фойдаланувчи барча шахсларга муҳимдир.

Ишлатилган мой таркибида ёнилғининг бўлиши мойнинг қовушоқлигининг пасайишига олиб келади. Регенерацияланган мойнинг Қовушоқлиги бўйича унинг таркибидан ёнилғи қанчалик яхши буғлатилгани ҳакида холоса қилиш мумкин. Ўз-ўзидан қўринадики, регенерацияланган мой Қовушоқлиги худди шу русумдаги янги мойга нисбатан паст бўлади. Кислоталик ўзига хос кислота сони билан аниқланади. Мойларнинг кислоталиги - Нефть маҳсулотининг кислота сони деб 1 г мой таркибида мавжуд бўлган кислотани нейтраллаш учун зарур бўлган ўювчи калий ишкори ёки қисқача KOH/г ни миллиграммдаги миқдорига айтилади. Ишлатилган мойларда кислота сони янги мойларга нисбатан анча юқори бўлади. Кислота қўшимчаларининг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳатто мой таркибида оз миқдорда сув бўлганда улар металл ва қоришмалар, хусусан охирги йилларда двигател ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган кўрғошинли бронзадан ясалган сирпаниш подшипниклар билан ўзаро таъсирашиб, ушбу металларда коррозияни ҳосил қиласди. Ундан ташқари бундай таъсирининг натижасида мойда ва металл сиртларида шлам деб аталувчи ёпишқоқ чўкма ҳосил бўлиб, подшипниклар, тирсакли вал бўйинчалари ва бошқа ишқаланиш тутунларига мойни етказиб берувчи мой ўтказгичлар ва тешикларни тўлдириб қўяди. Бунинг натижасида ишқаланувчи жойларга мойни етказиб бериш кескин камайиб кетиши мумкин. Демак, кислота сонининг миқдори мойловчи мойларнинг сифатини аниқловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Кислота сони бошқа сифат кўрсаткичлари каби мойларнинг стандарт талаблари билан меъёrlанади. Мойларда кул ҳам мавжуддир. Мойловчи мойларнинг таркибидаги кул уларда мавжуд бўлган турли тузлар қўринишидаги, баъзан эса механик қўшимчалар қўринишидаги минерал моддалар билан аниқланади. ГОСТ - 21086 талабларига асосан қўшимчаларсиз янги автотрактор мойлари учун кул миқдори 0,025% дан ошмаслиги керак, қўшимчали мойларда эса (дизел мойлари учун) 0,28% дан ошмаслиги лозим. Ишлатилган мойларда янгисига нисбатан кул миқдори икки - уч ва ундан ортиқ баровар кўпайиб кетади. Мойда кулнинг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки у ишқаланадиган сиртларга эгов ёки кумқоғоздек таъсири этади. Кулнинг миқдорини 1-2 г мойни маҳсус чинни ёки платинали ликопчада муфел печда ёки тўғридан-тўғри горелкада 50<sup>0</sup>C атрофидаги ҳароратда ёндириб аниқланади. Қолдик миқдорини мойнинг дастлабки миқдорига нисбатини юзга кўпайтирилгани кулнинг фоиздаги миқдорини беради. Мойда кулнинг кўп бўлиши двигател деталларининг ишига салбий таъсири кўрсатади. Кулнинг миқдори кўп жиҳатдан мойни тозалаш усуслари, саклаш ва ташиш шароитларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун машинага мой куйганда, ишлатилган мойларни йиғиши ва сақлашда уларнинг ифлосланишига йўл кўймаслик жуда муҳим

Дунёнинг кўпгина олимлари томонидан мойларни тозалаш технологиялари таҳдил қилиниб, курилмалари ишлаб чиқилган. АзовЧерномор қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида УОМ-2 русумли мойни сувсизлантириш стационар курилмаси яратилган бўлиб, у энергетик ва сепаратор кисмларидан тузилган. Мойни тозалаш курилмасининг ишлаш тамойили қўйидагича. Ишлатилган (янги, сувланган) мойни электр иситгич ёрдамида 60-90°C ҳароратгача қиздирилади, сўнгра насосни ишга тушириб, центрифугага вентил орқали (асосий оқим) ва аралаштириш учун бакка узатилади. Мой центрифугада механик қўшимчалардан тозаланиб, яна бакка қайта қўйилади. Мойнинг иккинчи оқими суюқликка горизонтал симметрия ўқигача чўқтирилган активатор куракчаларига тегиб уни айлантира бошлайди, бунда активатор юқори кисмидаги юпқа мой қатламидан кўнус курилмаси зонасига кўтаришувчи сув буғлари ажralиб чиқади. Мой таркибидаги сув миқдорининг ўзгариш динамикаси қўйида кўрсатилган

Мойларни вакуум остида сувсизлантирадиган стационар типдаги ускуна ишлаб чиқилган. Ушбу ускунада мойни сувсизлантириш одатда 70-85°C ҳароратда ва 70-180 мм.сим.уст. вакуумда олиб борилади. Кўприк қатлами баландлигини зарур сатҳда ушлаб туриш учун колоннадаги вакуум миқдори сўрувчи қувурли ўтказгичга ҳаво киритиш ёки сўрувчи тизимни дросселлаш (ростлаш) йўли билан камайтирилиши мумкин.

Ишлатилган мойларни регенерация қилишда замонавий усуллар орасида тозалашнинг физик усуллари – тиндириш, центрифугалаш, фильтрлаш, вакуумли қуритиш усулларидан фойдаланилади. Мойлар кучли ифлосланган ёки жуда эскирган тақдирда янада мураккаброқ физик-кимёвий усулларни кўллаш ҳам мумкин. Тозалаш ва регенерациялаш физик усуллари учун самарали жихозларни жаҳоннинг 126 мамлакатида ваколатхоналарига эга бўлган «Alfa-Laval» (Швеция) концерни ишлаб чиқаради. Aguanetics Inc. (АҚШ) фирмасининг ускуналари ҳам самарали бўлиб, редукторлар, компрессорлар (совутгич машиналар учун мойларни ҳам қўшиб), вакуумли, тоблантирувчи мойларни, иссиқлик узатувчи, шунингдек қатор синтетик ва ўсимлик мойларини регенерациялаш имконини беради

Ишлатилган мойни регенерациялаш технологик жараёни “дағал тозалаш фильтри – узатувчи насос – адсорбентлар – майнин тозалаш фильтри – мой ҳисоблагичи” схемаси асосида амалга оширилади. Тозалангандай мой ушлагич (силико гель ва цеалит) билан жихозланган ва тозалангандай мойни атмосферадаги намлик тушишидан сақлайдиган маҳсус идишга йиғилади. Хорижда ишлатилган мойларни чуқур вакуумда регенерация қилиш тобора кўпроқ тарқалмоқда. Бунда бир вактнинг ўзида фильтрлаш, дегезация ва сувсизлантириш имконияти мавжуддир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги” 78-сонли низом. 2017 йил 14 феврал.